Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 3 август, шанба • № 61 (10.836) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

Бир неча кундан сўнг давлатимиз мустақиллигининг беш йиллик байрамини Ўзбекистон халқи тантанали равишда нишонлайди. Бундай кезларда босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаш, қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш яхши анъаналар сирасига киради. Шу боис, айни кунларда ҳамма ерда — ташкилотларда, корхоналарда, муассасаларда, турли жамоаларда, қолаверса, оммавий ахборот воситаларида «Мустақиллик», «Беш йиллик», «Айёмни муносиб кутиб олиш» деган сўзлар бот-бот жарангламоқда.

Ҳа, беш йил муқаддам — 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. 1 СЕНТЯБРЬ — МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ КУНИ сифатида белгиланди. Асрлар давомида муте тарзда яшаб келган ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилашдек муқаддас шарафга нойил бўлди.

Орадан беш йил ўтди. Бу қисқа муддат — ёш давлатимизнинг қаддини ростлаш, маънавий уйғониш, миллий ўзлигини англаш, келажакка бўлган иймон-ишончни қарор топтириш, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлини белгилаш, Ватанимизни равнақ топган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга интилиш — қисқаси, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда катта ислоҳотлар — улкан ўзгаришлар даври бўлди. Республикамиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ривожланишнинг маълум ва машҳур беш тамойили ишлаб чиқилди. Бугун бемалол бу тамойиллар ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди, деб баралла айтишимиз мумкин.

Республикамиз тарихида муҳрланиб қолган воқеалар, бунёдкорликлар, фаровонлик борасидаги яратувчилик ишлари муштарийларни доимо қизиқтиради. Шу маънода «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти республикамиз, хусусан, вилоятимиз ҳаётида чуқур из қолдирган солномаларни, хабарларда, мақолаларда, суратларда акс этган лаҳзаларни яна бир карра эслашни мақбул топди.

• 1991 ЙИЛ 31 АВГУСТ — Ўзбекистон Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Президент Ислом Каримов республикамизнинг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1 СЕНТЯБРЬ — Мустақиллик байрами куни деб белгиланди.

• 1991 ЙИЛ 5-СЕНТЯБРЬ — пойтахтимиздаги собиқ В. И. Ленин номидаги бош майдон Мустақиллик майдони деб аталди.

• 1991 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• 1991 ЙИЛ 7 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• 1991 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг еттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунига конституциявий қонун мақоми берилди.

• 1991 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ — Туркия Республикаси дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини расман тан олди.

• 1991 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи марта муқобиллик асосида ўтган президент сайлови якунлари Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинди. Сайловда 86 фоиз аҳоли Ислом Каримов номзодини ёқлаб овоз берди. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди. Шунингдек, республика референдуми якунлари эълон қилинди. Бу умумхалқ сўровида қатнашганларнинг 98,2 фоизи Ўзбекистон мустақиллигини ёқлаб овоз берди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ОЛМАЛИҚ — ХОРИЖ БОЗОРИДА

ОЛМАЛИҚ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли-туман рангли металлургия, кимё саноати маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги, юқори техникавий даражаси билан ҳам ажралиб туради. Шу туфайли уларга бўлган талаб республикамиздагина эмас, хорижда ҳам ортиб бораяпти. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқараётган меҳнат жамоаларининг чет эллик буюртмачилари сафи кенгаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойларида ташқи товар оборати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саксон фоиз атрофида кўпайди. Экспорт учун етказиб берилган маҳсулотларнинг жами ҳажми ўнларча миллион долларни ташкил этди. Бунда кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби етакчи корхоналар меҳнат аҳлларининг ҳиссалари салмоқлидир.

Собир ҲАМИДОВ.

ОЛТОЙ ТРАКТОРЛАРИ ЯНГИЙЎЛДА

ҲОЗИРГИ замон қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайси тармоқда бўлмасин деҳқон зарур техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланмаса, ишда унум сезмайди. Лекин, бу техникаларнинг айримлари ўзимизда ишлаб чиқарилса, айримлари четдан келтирилади. Янгийўл тумани қишлоқ хўжалиги техника таъминоти ва таъмирлаш идораси бу масалада тадбиркорлик билан иш юрита бошлади. Олтой трактор заводи билан ўзаро ҳамкорликда қўшма корхона очилди. У хўжаликларнинг бу ноёб техникага бўлган эҳтиёжини ўрганади, буюртма асосида келтириб беради. Дастлабки 20 тадан ортиқ ҳайдов тракторлари корхонага келиб тушди. Талабгорларга сотилади. Корхона фақат туман хўжаликларигагина эмас, вилоятдаги хўжаликларга ҳам бу турдаги тракторларни эҳтиёжига яраша етказиб беради.

Нодир ИСАЕВ.

«МЎМИНОБОД» — ҒОЛИБ

ҚАДИМИЙ урф-одатларимизни тарғиб қилиш, қадриятларни тиклаш, ёшларни ҳунарли этиш, оилаларини мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси мавзуларини қамраб олган маҳаллалар кўрик-танлови қатнашчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Пискент туманидаги 6 та қишлоқ фуқаролар кенгаши ҳамда 10 та маҳалла қўмиталари иштирок этган кўрик-танловнинг сўнгги якунловчи босқичига «Мўминобод», «Майлиобод» ва «Навоий» маҳаллалари чиқди. Ҳайъат аъзолари «Мўминобод» маҳалласи жамоасининг ютуқларини юқори баҳолаб, ғолиб деб топди. «Мўминобод»ликлар вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Акбар УМИРОВ.

АСРДАН ОШГАН ОТАХОН

ОҲАНГАРОН туманининг Кўчбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи яқинда таваллудининг 104 йиллигини нишонлаган Акбар ота Хидиров ҳавас қилса арзийдиган ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У қарийб ярим аср хўжаликда турли лавозимларда ишлади. Чорвадор бўлди, бригадага бошчилик қилди. Хўжаликка раис этиб сайлашди. Қандай лавозимларда ишламасин, ҳақиқат ва адолат учун курашди.

Отахоннинг етти ўғли — Абдурахмон, Эргаш, Тиркаш, Нурмуҳаммад, Абдулло, Расулмат, Абдураим, уч қизи — Зарифа, Фарида, Замира бўлиб, невара-чевараларининг саноғи йўқ.

Бир асрдан эшёд умр кўрган Акбар ота Хидиров ҳамон тетик ва бардам. Бутун қишлоқ унга ҳавас билан боқади. Биз ҳам отахон ёшига етайлик, деб ният қиладик.

Муталлиб МУҲАМЕДОВ.

УСТОЗ ЕТАГИДА-КЎРИК ТАНЛОВГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг беш йиллиги тобора яқинлашмоқда. Бу муборак айёмга вилоятимиз маданият ва санъат ходимлари ҳам муносиб тухфалар ҳозирламоқдалар.

Маълумки, «Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят қўшиқлар кўрик танловида Бўка тумани маданият уйи қатнашчиси, 25-ўрта мактаб ўқувчиси Бахтиёр Умиров З. Обидов шеъри, Ш. Асроқулов мусиқаси билан айтилувчи «Она юртим» қўшиғи ижроси учун ғолиб деб топилиб, навбатдаги олий босқичга йўлланма олган эди.

Шу кунларда вилоят маданият ишлари бошқармасининг саъй-ҳаракати билан Б. Умиров «Нихол» ашула ва рақс дастаси ҳамкорлигида Республика қўшиқлар кўрик-танловига жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Ёш қўшиқчини бу нуфузли танловда муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида таниқли бастакор Туйғун Отабоев яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Баҳодир ХАБИБОВ.

ҚАҲРАМОН ХОТИРАСИ

ЯҚИНДА Чорвоқда бокс бўйича уруш қаҳрамони марҳум Тасқулов хотирасига бағишлаб мусобақа ўтказилди. Бунда республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган болалар ва ўсмирлар — спорт мактаби талабалари қатнашди. Баҳс беш кун давом этди. Юқоричирчиқ тумани спортчилари умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни олишди. С. Усенов, Б. Ғуломов, Ё. Арзиқулов, Б. Манкеев, Б. Кенжабоев, Б. Тўйчиев, Х. Исақулов, Ё. Айнабековлар ўз вазнларида фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Ғолибларга Тасқулов тасвири туширилган нишон ва совғалар топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Халқ манфаатини кўзлаб

ДАСТУР ИШЛАЙ БОШЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳамма соҳада ислоҳотлар чуқурлашиб, жадаллашиб бормоқда. Муҳими—бу ўзгаришлар, янгиликлар шунчаки эмас, таҳлиллар, хулосаларга таяниб ишлаб чиқилган тамойиллар, дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Республикамиз Президенти ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида ана шу устивор йўналишларни кўрсатиб ўтган эди. Шу асарда бир қатор масалалар билан бирга инфраструктура ибораси ҳақида ҳам алоҳида тўхталинди.

Жумладан, юртбошимиз, инфраструктура комплекси — иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдевордир, деб баҳо берди. Шунингдек, у ҳамон айрим қишлоқлар, қўрғонлар аҳолисининг яшаш учун зарур бўлган оддий имкониятлардан маҳрум эканлигини ташвиш билан тилга олиб, келгусида бу жойларда туб ўзгаришлар қилиш — газ, сув олиб келиш, коммуникация воситаларини ривожлантиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйган эди.

Буни қарангки, орадан бир йил ўтиб, республика ҳукумати «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу ҳолат ислоҳотлар мамлакатимизда пухта ўйлаб, босқичма босқич амалга оширилаётганлигининг яна бир исботидир.

Ушбу қарорнинг аҳамияти жуда катта. Чунки, у айнан «қолоқ» қишлоқларни ривожланган худудларга айлантиришни бош мақсад қилиб қўяди. Қарор қабул қилинди. Энди ҳамма гап унинг ижросида. Хўш, Тошкент вилоятида ана шу қарордан сўнг қандай ишлар олиб борилмоқда. Бизнинг вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Файзиев билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Жаҳонгир Обидович, сўнгги пайтда вилоятда қишлоқларни ривожлантиришга катта аҳамият берила бошланганлигини биламиз. Айтинг-чи, ушбу муҳим қарордан кейин бу йўналишга қандай қўшимчалар, ўзгаришлар киритилди?

— Дарҳақиқат, шу йилнинг бошида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида туман ва қишлоқларни ривожлантириш, айниқса, маданий, маиший объектларни кенгайтириш, янги ишчи ўринларини очиш; умуман, қишлоққа эътиборни кучайтириш бош масала қилиб қўйилган эди. Бу борада тадбирлар комплекси ҳам ишлаб чиқилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 21 майдаги «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қабул қилган қароридан сўнг бу йўналиш яна бир бор вилоят ҳокимлигида, истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасида чуқур ўрганиб чиқилди. Унга катта ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди, кенгайтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки вилоят ҳокимлигининг қишлоқларни ривожлантириш юзасидан белгилаган дастури ҳукуматимиз томонидан маъқулланди. Ана шу дастурга асосан вилоят қишлоқ худудларида 2000 йилгача 14 минг ўқувчи таълим оладиган мактаб бинолари, 50 та қишлоқ даволаш муассасалари қурилади. 29 та фельдшер-акушерлик пунктлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тармоқларига айлантирилади. Фақат бугина эмас, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастурида аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни жадаллаштириш муҳим ўрин эгаллаган. 2000 йилгача 511 километр ичимлик сув қувурлари, 1780 километр табиий газ узатиш қувурларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Биз қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш масаласига кенгроқ ёндошсак, тўғрироқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар барпо этиш, қишлоқ марказларида гузарлар яратиш, дам олиш масканларини очиш ва бошқа кўплаб тармоқларни ҳисобга олдик. Дастурда ҳам булар ўз ифодасини тўлиқ топган. 5700 рақамли телефон алоқаси, 1500 минг квадрат метрли уй-жойлар, 28 минг квадрат метр ҳажмда савдо дўконлари, 5700 ўринли умумий овқатланиш корхоналари ва 403 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишини амалга ошириш ҳам муҳим вазифалар сирасига киритилди.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, қишлоқ жойларида ислоҳотларни амалга ошириш—инфраструктурани ривожлантириш вилоят ҳокимлигининг бандлик, хусусийлаштириш, ўрта ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги ишчи жойлари очиш юзасидан қабул қилган дастурлари ва тадбирларида ҳам алоҳида ҳисобга олинган. 1996 йилнинг ўтган ярмида фақат қишлоқ жойларида 15 мингдан ортиқ янги ишчи жойларининг барпо этилганлиги, салкам 4 минг хонадон газлаштирилганлиги, янги гузарлар иш бошлаганлиги ана шу дастурларни амалга ошириш маҳсулидир. Йил охиригача туманларда 5 та янги қишлоқ даволаш муассасалари, 14 та биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари, 1720 ўринли мактаб бинолари фойдаланишга топширилади.

—Қарорда қишлоқларни ривожлантириш, айниқса, хонадонларни газ ва сув билан таъминлаш, тиббий муассасаларни очишда маҳаллий ҳокимликлар ва хўжаликларнинг зиммасига катта масъулият юклатилган. Айни пайтда уларнинг ички имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига қўшимча манбаларни ишга туширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган эдику...

—Жуда тўғри айтдингиз. Вилоят ҳокимлиги республика ҳукумати томонидан тасдиқланган дастурга биноан ички маблағлар ҳисобига қўшимча тадбирларни амалга оширишга киришди. Хусусан ҳокимликлар, хўжаликлар ҳамда хусусийлаштириш бошқармаси ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамғармаларидан ҳамда ўтказилаётган турли тадбирлардан тушаётган тушумлар ҳисобидан 130 миллион сўм миқдорида маблағ ажратиб, 143 километр узунликдаги газ қувурлари, 1024 ўринли 3 та мактаб биноси, 4 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқларини фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда. Келгусида ҳам бу ишлар давом эттирилади.

Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси тегишли ташкилотлар, муассасалар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурни жойларда амалга ошириш устида иш олиб бормоқда. Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, Тошкент вилоятида қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш дастури дадил ишлай бошлади.

Суҳбатдош Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

1991 **1 сентябрь** 1996

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

БЎКА

ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги нишонланадиган кунга жуда оз қолди. Хўш, мустақиллик бизга нима берди? Бу саволга ҳар ким ўз иш жойи, касб-кори, яшаш тарзида бўлаётган ўзгаришларга қараб жавоб беради. Туманимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан пахта етиштиришга ихтисослашган. Бир вақтлари қилинган ишлар, ютуқлар ҳақида гап борганда, фақатгина пахтачиликда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида сўзлаш билан чегараланардик.

Мустақиллик шарофати билан эса ҳар бир соҳага, ҳар бир тармоққа тенг назар билан қарайдиган бўлдик.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, меҳнатни ташкил қилишнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, моддий бойлик яратишни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш учун яхши шароитлар яратилди. Албатта, осон бўлмади. Бозор иқтисоди ҳар бир соҳа кишисини, шу жумладан, деҳқонни ҳам қаттиқ синовдан ўтказди. Қишлоқ меҳнаткашлари, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу қийинчиликларни чидам ва сабот билан енгдилар. Натижада қишлоқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида жиддий ижобий ўзгаришлар бўлди. Режалар анча ошириб бажарилди. Салмоқли қадамлар қўйилди.

Беш йил давомида давлатга 200 минг тоннадан ортиқ пахта, 45 минг тоннадан кўп сабзавот, картошка, мева, 10 минг тоннага яқин шоли, 20 минг тоннага яқин сут, 500 тоннага яқин пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.

Бу йил ҳам ҳар бир соҳада янги марраларни эгаллашга аҳд қилганмиз. Хусусан, туманимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 42 минг тонна пахта, 23 минг 600 тонна ғалла, 7240 тонна сабзавот, 3400 тонна картошка, 2 минг тонна шоли, 3450 тонна сут, 2200 тонна полиз маҳсулотлари, 120 тонна пилла ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни кўзда тутганлар. Бу режаларнинг айримлари ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйилди. Хусусан, деҳқонларимиз ғалла мустақиллиги учун олиб борилган курашда фаол қатнашиб, бу соҳадаги режаларни муддатидан анча илгари бажариб қўйдилар. Давлат қабул пунктларига салкам 24 минг тонна ғалла топширилди. Жуда кўп бригадалар ҳар гектаридан 50—60 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

Қаерда деҳқон меҳнатига эрк берилса, у ерга эгалик ҳиссини амалда сезса, унинг иши унумли, ошиғи олчи бўлади. Шу туфайли ҳам Президент фармонлари ижроси устидан қатъий иш олиб бориб, деҳқон-фермер хўжаликлари ишини кўчайтириш юзасидан катта ишлар қилинди. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара, пудрат усуллари кенг жорий этилди. Айниқса, пахтачиликда ерларни ҳар бир деҳқоннинг оиладаги жон боши сони, ўзининг талаби, майлига қараб пудратга бўлиб берилиши катта фойда келтирмоқда.

Айни пайтда туманимизда 4178 гектар майдонда 106 та деҳқон-фермер хўжалиги иш олиб бораётир. Улардан 89 таси деҳқончилик, 30 таси чорвачилик, 2 таси балиқчилик, 3 таси боғдорчилик, 2 таси паррандачилик билан шуғулланмоқда.

Ишнинг кўзини билган, имкониятлардан, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланаётган фермерлар, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар, экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги ортмоқда.

Абдурашид Абдураҳмонов бошлиқ «Камолот», Қаҳҳор Абдусаломов бошлиқ «Учқун», Тўлабой Отабоев бошлиқ «Мустақил Ўзбекистон», Салоҳиддин Кўзиев бошлиқ «Зарбдор» деҳқон-фермер хўжаликлари пахта, ғалла, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олмоқдалар.

Деҳқон меҳнатига яраша рағбат кўриши керак. Унга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиздир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига биноан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди ва бу тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан қатъий назорат олиб борилмоқда. Қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бу тадбирларнинг асл моҳияти ва мазмунини ташкил этади.

Махсус ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси қайтадан таъмирланиб, кенгайтирилди. Янги иш ўринлари очилиб, қишлоқ врачлик тармоғига айлантирилди. 1260 ўринли янги мактаб биноси, 260 ўринли қўшимча синф хоналари қурилди. 115 минг квадрат метр ҳажмли уй-жой бинолари тикланди. Қишлоқ кўчаларига 21 километрлик ичимлик сув қувурлари ётқизилди.

Қишлоқларни газлаштириш қизғин давом эттирилмоқда. Қисқа вақтда 141,4 километр узунликда газ қувурлари тортилди. Айниқса, бу соҳада Барот Умаров номли, «Паркент», «Хўжақўрғон» қишлоқларида қизғин ишлар бораяпти. Ойхўжа Йўлдошев номли жамоа хўжалигида 75 фоиз турар жойлар газлаштирилди.

Биз ўз фаолиятимизда Президентимизнинг қишлоқ хўжалигида унумли, сифатли меҳнат қиладиган одамларгина ишлаши керак, деган кўрсатмасига қатъий амал қилмоқдамиз. Шу мақсадда кичик корхоналар, қўшма корхоналар барпо этиш давом этмоқда. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 500 тадан ошди. Бу корхоналарда саноат, қурилиш маҳсулотлари билан бирга кенг истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Агар 1995 йилда 106 иш ўрни яратилган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида 80 иш ўрни барпо этилди. Шундай қилиб, 1994 — 1996 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда 1458 та иш ўринлари барпо этилди.

Хусусийлаштириш соҳасида ҳам сезиларли ишлар қилинди. Туманимизда савдо ва маиший хизмат объектлари шахсий ва очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш режасига кўра 13 та объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Тадбиркорлик тузилмалари барпо этилди. Кўплаб ёнилғи қуйиш шахобчалари, шунингдек, ҳаммом, меҳмонхона, ресторан бинолари ер участкалари билан кимошди савдосига қўйиб сотилди. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши учун 15 та ер участкаси сотилди. Бу соҳадаги ишлар бундан буён ҳам давом эттирилади.

Булар ўз йўлига. Булар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасида қилишимиз зарур бўлган ишлар. Бу тадбирлар, бу ўзгаришлар, албатта, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан қўшиб олиб борилиши керак.

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз пахтачилик бундан буён ҳам етакчи ва асосий тармоқ бўлиб қолади. Бу соҳага эътиборни асло сусайтирмаслик керак, деган фикрни айтдилар. Биз бу кўрсатмага қатъий амал қилиб, айни кунларда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори ҳар бир хўжаликда ғўза парваришининг аҳволи қандайлигини ҳам бирма-бир текширувдан ўтказмоқдамиз. Ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни лоақал бир центнерга оширадиғанларимиз бўлсак, туманимиз бўйича анча миқдорда қўшимча «оқ олтин» етиштириш мумкинлигини деҳқонларимиз онгига сингдирмоқдамиз.

Ҳа, бизга мустақиллик кўп нарса берди. Ютуқларга эришдик. Табиийки, бу ютуқларнинг замирида қўли қадоқ, фидойи, тадбиркор деҳқонларимизнинг меҳнати ётади. Шунинг учун ҳам биз бундан буён ҳам иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш соҳасидаги фаолиятимизда деҳқонни ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг меҳнатини қадрлаш, унга маданий-маиший шароит яратиб бериш, турмуш тарзини янада яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қиламиз. Чунки, деҳқон ўз меҳнати, самарасидан мамнун, хотиржам, кўнгли тўқ бўлса, иши унумли бўлади, демакки, биз ўйлаган ишлар, белгилаган режалар амалга ошади, залворли одимлар билан олға боришимиз учун янги имкониятлар очилади.

Раҳим ОБИДОВ,
Бўка тумани ҳокими.

СОФ ФОЙДА 100 МИНГ СЎМГА ЕТДИ

ФЕРМАНИ 1995 йилнинг 20 июнда сотиб олган эдик. Биз ишни меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, қатъий тартиб ўрнатишдан бошладик. Аввал 50 га яқин киши ишлаган бўлса, улар қисқартирилиб, 23 киши қолдирилди. Ана шу қолган чорвадорлар билан шартнома асосида ишлай бошладик. Унумли меҳнат қилиб, юқори маҳсулот олганларни мукофотлаб, рағбатлантириб бордик. Ҳозирги кунга қадар 12 минг сўм пул, 6 та бузоқ мукофотга берилди.

Бу орада чорва зотини яхшилаш билан ҳам шуғулландик. Кам маҳсулли қорамоллар сотилиб, ўрни ёш, маҳсулдор моллар билан тўлдирилди. Кўли пул кўриб, маошини вақтида ола бошлаган чорвадорларимиз ишга астойдил, меҳр билан муносабатда бўла бошладилар.

Бизга биркитилган 95 гектар майдондан мумкин қадар чорванинг эҳтиёжини қоплайдиган озуқа олиш чораларини кўрмоқдамиз. Чорвага ўз моли, ўз сигиридек муносабатда бўлиш — қисқа вақтда ўз натижасини кўрсатди. Айни кунларда ҳар бош соғин сигирдан бир кеча-кундузда 7-8 литрдан, айрим сигирлардан ўн литрдан сут соғиб олинмоқда.

Агарда 1995 йилнинг олти ойи мобайнида чорвачиликдан 16 минг сўм зарар кўрилган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида бу зарарнинг ўрни қопланибгина қолмай, балки, 100 минг сўмга яқин соф фойда ҳам олдик.

Ҳали бу биз амалга оширмоқчи бўлган улкан ишларимизнинг бошланиши.

Биз ҳар кунлик, ҳар ойлик натижаларни танқидий кўз билан таҳлил қилиб борамиз ва чорвачиликда яна ҳам юқори маҳсулдорликка эришиш, соф фойдани кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

Баҳром ЙЎЛДОШЕВ,
«Иззат-Бўстон» ЛТД» фермаси бош раҳбари.

Сут соғувчилар Каромат Абдукодирова ва Эътибор Раҳматовалар тумандаги Ғаппор Азаматов номли жамоа хўжалиги «Қоракўйли» хусусийлашган фермасида меҳнат қилишади. Улар ҳар бош соғин сигирдан кунига 10-12 литрдан сут соғиб олишяпти.
Даврон АҲМАД суратга олган.

ИШБИЛАРМОНЛАР КЎПАЯВЕРСИН

ХЎЖАЛИГИМИЗ пахтачиликка ихтисослашган. Лекин, кейинги йилларда боғдорчилик, сабзавотчилик билан ҳам шуғулланмоқдамиз. Асосий тармоқ пахтачиликка бўлган эътибор йил сайин кучаймоқда. Ҳар йили режаларимизни ошириб бажаряпмиз. Лекин, хўжалик туман маркази яқинида жойлашган. Аҳоли зич яшайди. Деҳқончилик билан шуғулланиш учун ҳаммага ҳам ер тегавермайди. Қолаверса, далада ҳақиқий деҳқонлар ишлаши керак-да! Шунинг учун ҳам Президентимизнинг фармонлари ва қарорлари асосида хўжалигимиз маъмурияти қишлоқда ишчи ўринлари барпо этиш юзасидан қатор ибратли тадбирларни амалга ошираётганлигидан мамнунмиз.

Хусусан, қишлоғимизда Тошкентдаги «Сардор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Акбар» номли тикувчилик филиали кичик корхонаси, модалар ателъеси, этиқдўзлик, тандирчилик билан шуғулланувчи кичик корхоналар, шунингдек, қишлоқ хўжалик зараркунандалари қушандаси, кислород ишлаб чиқарувчи цехлар фаолият кўрсата бошланганлиги — буларнинг ҳаммаси мустақилликнинг мевалари деб ўйлайман.

Қишлоқ ғўзари обод бўлиб бормоқда. Бу ерда бир неча савдо, маиший хизмат, алоқа, тиббий хизмат тармоқлари мавжуд.

Боғдорчилик ва чорвачилик тўла хусусийлаштирилди. Хусусийлашган балиқчилик хўжалиги ҳам катта фойда келтирмоқда. Ишбилармонларга, тадбиркорларга раҳмат! Улар талабгорларни иш билан таъминлаш билан бирга қишлоқ аҳлининг ҳожатини чиқармоқдалар. Улар сафи кенгаяверсин!..

Шербўта ЎЛМАСОВ,
Ғ. Азаматов номли жамоа хўжалиги аъзоси.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

ҒАНИМАТ КУНЛАР

АСАДНИНГ жазаваси тутяпти. Иссиқ авжига чиқиб, далаларга бош суқиб бўлмай қолди. Пайкаллар кафтида ҳовур жимирлайди. Аммо, тўрт томони қўша-қўша толлар билан қуршалган шийпонда ғир-ғир шабада. Қуюқ соя тўш ташлаган сўриларда бригаданинг барча аъзолари ҳордиқ чиқаришяпти. Дастурхонда нон ва ёзнинг ноз-неъматлари.

— Бай-бай-бай, худди ёндираман дейди-я, — Аъзам Раҳматов белбоғида елпинаркан, ёнида юз-кўзларидан маржон маржон тер қуйилаётган тракторчи Озод Мўминовга деди.- — Бироқ, янги ойнинг бошланиши чаккимас. Ғўзаларни томир-томиригача яйратяпти. Фақат, тагини юмшатиб, сувдан зориқтириб қўймасак бўлгани, ҳосилини биздан аямайди.

Бригада бошлиғининг гапларини эшитаркан Озод мийиғида кулиб қўйди. У ҳозиргина ўзи кийим-боши тердан жиққа ҳўл бўлиб, иссиқда ҳориб-чарчаб культивация қилган катта пайкалдан чиқиб келганди. Икки-уч соат соя-салкинда ҳордиқ чиқариб, яна шу далага кириб ишлайди. Нариги картада эса Турсун Ҳасанов трактори билан эгат олиб, пайкални суғоришга тайёрлаяпти. Ҳали-замон у ҳам толиққанича шийпонга келиб қолади. Сирасини айтганда, ҳозир 62 гектардаги деҳқончилик тақдирини мана шу икки механизатор ҳал қиляпти. Негаки, ерни ҳайдаб, чизел урган, ҳар донасини санагандек қилиб уруғ қадаган ҳам, ердан ниш уриб чиққан ниҳолларни асраб-авайлаб культивация қилган, эгат ёриб, ғўзаларни озиқлантирган ҳам аслида мана шу иккови. Бригаданинг ҳар бир қарич ери уларга ёд бўлиб кетган. Қайси ғўза қандай ўсаётганини ҳам ана шу икки механизатор яхши билади. Улар қилган ҳалол меҳнатнинг самараси мана ман деб, ғўзалар шода-шода гул-кўсаклар тақяпти. Шунинг учун ҳам бригада бошлиғи йигитларнинг меҳнати қадрига етиб, тилидан бол томиб эъзозлайди.

Бригада бу йил ғўзадан ташқари 42 гектар ерда ғалла ҳам етиштирди. Бир ёқда ғўза парваришталаб, бир ёқда ғалла пишиб етилиб, ўримга келиб қолганида Аъзам Раҳматовнинг «кучи» яна ана шу механизаторларга етди.

— Идора бешта комбайн ажратибди, уларни бошқаришга эса механизаторлар етмаётганмиш. Шунинг учун бировинг ғўзада бўлганингда бошқанг комбайннинг рулига ўтириб, ғалла ўрасан. Аммо, айтиб қўяй, бу иш осон эмас, кун қизиғида ҳам, ярим тунда ҳам ишлашга тўғри келади.

Комбайнда ишлаш Турсун Ҳасановнинг чекига тушди. Орадан кўп ўтмай у ўримнинг ҳадисини олволди. Достон Исроилов, Маҳмуд Эгамбердиев, Зуфар Норбоев билан бирга уч кун деганда ўз бригадасидаги 42 гектар ғаллани саранжомлаб бериб, сўнг бошқа бригадаларга ўтиб кетишди. Мавсум тугаб, Турсунбой туман ҳокимининг қўлидан совринга қўйилган радиоприёмникни олиб келгандан сўнг, ўзининг қадрдон культиватори рулига ўтиришдан олдин далаларни бирма-бир айланиб, Озоднинг ишини кўздан кечириб чиқди. Ундан кўнгли тўлди шекилли, «ҳар ҳолда йўқлигимни билдирмабсан» деб қўйди.

Ғалладан қўл бўшаб, бригаданинг барча кучлари ғўза парваришига ташланди. Бир ёқда Мунаввар Нишонова, Маҳсума Фозилова, Меҳри Абдужабборовалар ғўзаларни илдиз-илдизигача етказиб милдиратиб эгатлардан сув оқизишяпти. Бир ёқда эса бригаданинг бир тўп хотин-қизлари бир дона ўтни ҳам қолдирмай ўтоқ ўтказишяпти.

Кечга яқин хўжалик раиси Узоқбой Мажидов Шоди Юсупов, Қаршибой Рўзматов бошлиқ қўшни бригадаларнинг пайкалларини оралаб, келиб қолди. У эгатма-эгат юриб, белга уриб қолган ғўзалардаги гул ва кўсакларни кўздан кечираркан, Аъзамга деди:

— Дуруст, ҳамма ишни вақтида қилиб улгуряпсизлар. Лекин, ҳашаротдан тинчмисизлар? Ҳосил кўзга кўриниб қолганида бепарво бўлиб яна ғўзани кўсак курти, ўргимчакканага олдириб қўйманглар...

— Хотиржам бўлинг, раис бува, ҳашаротга олдириб қўядиган ғўзамиз йўқ, — Аъзам Раҳматов раисни ишонтирди. — Кунда неча бор далаларни айланяпмиз. Ҳар ҳолда ҳозирча тинчмиз.

Раис бригада бошлиғини ёнига олиб, ғўзаларни оралаб, кишилар ишлаётган картага борди. «Ҳорма-бор бўл» лашиб сўнг ғалла режаси бажарилгани билан уларни табриклади-да, кейин асосий мақсадга кўчди.

— Куни кеча Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида нутқ сўзлаб, бошқа масалалар қаторида ғўза парваришини кўчайтириб, йиғин-теримга пухта тайёргарлик кўриш ниҳоятда муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ғалладан қўлимиз бўшаб, энди фақат ғўза парваришини ўйлайдиган вақт келди. Асаднинг иссиғидан фойдаланиб, ҳосил тўплаш учун ҳар бир дақиқани самарали ўтказишимиз лозим...

Раис 630 гектар ғаллазордан 2235 тонна ҳосил олинганлиги, уруғликка 250 тоннаси олиб қўйилганлиги, режа ортиғи билан бажарилганлиги ҳақида ахборот берди. У 615 гектар ердаги ғўзанинг аҳволи, ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил етиштириш учун қилинаётган ишлар, пахта йиғим-теримига тайёргарлик, техника қандай таъмирланаётгани тўғрисида мароқ билан сўзлаб берди. Хайрлашаркан, «энди чиринди ўғитларга зўр беринглар, уни эгатларга солмай, шарбат қилиб оқизсангиз, ғўзага нафи кўпроқ тегади. Асад экинингни ясат, деган гап бор. Яна ўзингиздан қолар гап йўқ, бу ойда экинни сувдан толиқтирмай, тагига яхшилаб ишлов берадиган, шу йўл билан ҳосилни кўпайтирадиган давр», деб тайинлади.

... Ёз ёзлигини қиляпти. Аммо, иссиқ ҳар қанча кучаймасин, далаларда иш маромли бир зум бўлса-да, сусаймаётир. Аксинча, механизатор ва сувчилар пешоналарини маҳкам таниғиб олиб, ғўза парваришини кучайтиргандан кучайтирмоқдалар. Далаларда эса ҳосил салмоғи кун сайин ошиб боряпти.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалиги.

Қуйичирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги далаларида ғўза парвариши жадал давом этяпти. Бошқарув таклифи билан бригада бошлиқлари қўшни бригадаларда бўлиб, ишлов бериш сифатини текширмоқдалар. СУРАТДА: 8-бригада бошлиғи Қобил Маҳатов ва бош ҳосилот Жуман Аширбеков Олтин Жукуев бошлиқ бригада далаларини кўздан кечирмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ФИЗИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Ёзги таътил кунларининг айни қизғин палласида Грузияда ёш физикларнинг тўққизинчи халқаро мусобақаси бўлди. Унда 13 мамлакат, жумладан, Германия, Полша, Венгрия, Россия, Украина, Беларуссиядан келган мактаб ўқувчилари иштирок этди. Ўзбекистондан эса Тошкент давлат университети қошидаги лицей-интернат ва 110-мактаб ўқувчилари қатнашди.

— Мусобақа дастури жуда мураккаб тузилган бўлиб, топшириқларни ечишда ўқувчилар ўзларининг илмий тадқиқотга бўлган салоҳиятини намоён этиши лозим эди, — дейди Ўзбекистон командасини бошқарган 110-мактабнинг физика ўқитувчиси Елена Скворцова.

Мусобақанинг мураккаблигига қарамай, тошкентлик ёш физиклар Улуғбек Маҳмудов, Павел Минёнков, Анвар Муллабеков ва Шуҳрат Саидов умумкоманда ҳисобида фахрли тўртинчи ўринни эгаллашди.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

БАРИБИР ҚИШ КЕЛАДИ

ВИЛОЯТ ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Тошкент вилояти халқ хўжалигининг барча тармоқларини 1996 — 1997 йиллар қиш мавсумига тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Унда вилоят бошқармалари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари мудирлари, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари раҳбарлари, муҳокама қилинаётган масалага даҳлдор идоралар вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Рўзиев олиб борди.

Йиғилишда қайд қилинганидек, қиш мавсумига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ ҳамма ишлар Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 15 апрелидаги хати асосида ҳокимлик чиқарган қарор ва белгиланган дастурга мувофиқ олиб борилмоқда. Бу ҳужжатларда умуман вилоят, шунингдек, барча шаҳарлар ва туманлар бўйича қишли-қировли кунларда ишлашга тайёргарлик юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар аниқ кўрсатиб берилган эди.

— Жойларда бу тадбирларнинг амалга оширилиши мунтазам назорат қилиб борилмоқда, — деди маъруза қилган вилоят ҳокими муовини Ҳ. Аҳмедов. — Бу текширишлар уларни рўёбга чиқаришда ютуқлардан кўра камчиликлар кўплигини кўрсатмоқда. Ҳамма шаҳарлар ва туманларда ҳам бунга етарли эътибор берилмаяпти. Ўтган йилдаги камчиликлар такрорланмоқда, турли хил асосли-асоссиз баҳоналарни рўкач қилиш, бу билан лоқайдлик, бефарқликни оқлашга уриниш ҳоллари давом этмоқда. Оқибатда вилоят бўйича ишлар кўнгилдагидек бормаяпти.

Энг муҳим тармоқ — уй-жой фондини қиш мавсумига тайёрлаш ишлари суръати талаб даражасида эмас. Қарор қабул қилинганидан бери деярли уч ой ўтганига қарамай белгиланган тадбирларнинг ярми амалга оширилган, холос. Мингтадан ортиқ кўп қаватли уйлар ертўлалари, санитария-техника тармоқларини таъмирлаш ишлари атиги 52 фоиз қилиб бажарилган.

Вилоят шаҳарлари ва туманларидаги уй-жойларни қишда иссиқлик билан таъмин этувчи корхоналарни назоратдан ўтказиш, таъмирлаш, тахт қилиш ишларининг бориши катта ташвиш туғдирмоқда. Ҳаммаси бўлиб етмиш битта қозонхона мавсумга шай қилиниши лозим, ҳозиргача фақат ўттизтаси қўлдан чиқарилган, уларнинг айримларини таъмирлашда пала-партишликка йўл қўйилган. Ангренда давлат иссиқлик электр станцияси раҳбарлари ҳар йили уйларга энергия етказиб беришни тартибга солиш ҳақида ваъда беради, лекин, уни бирор марта ҳам бажармайди.

Камчилик бу йил ҳам такрорланмоқда. Аҳвол ўтган йилдагидан ҳам мушкулроқ эканлиги текширишда аниқланди. Красногорскдаги иккинчи маъдан бошқармасига қарашли уйларни иситиш ҳам ёмон аҳволда. Бу ерда қурилиши анча илгари бошланган йирик қозонхона 1994 йилда ишга туширилиши керак эди. Лекин, у ҳали-бери фойдаланишга топширилиадиганга ўхшамайди. Вилоят капитал қурилиш бош бошқармаси унинг қурилишини охирига етказиш учун мутасадди ташкилотлар билан шошилинч чоралар кўриши лозим. Акс ҳолда юзлаб оилалар қишда яна иссиқсиз қолишлари мумкин.

Қозонхоналар асосан қорамой ёнилғисидан фойдаланиб ишлайдилар. Бу ёнилғи турини барвақт ғамлаб қўйиш лозим. Амалда шундай бўлмаяпти. Ғамланган минг тонна ёнилғининг олти юз тоннаси ишлатиб юборилди. Ваҳолангки, бутун қиш мавсуми давомида ўнларча минг тонна шундай ёнилғи ишлатилади. Йиғилишда уй-жойлар қатори соғлиқни сақлаш, халқ таълими объектларини қиш мавсумига тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу муҳим тармоқларда ҳозирлик ишларини жадаллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Умуман қишга тайёргарлик бўйича вилоят дастурида белгиланган барча тадбирларни пахта йиғим-терими бошланишигача тугатиш зарурлиги қайд қилинди.

Йиғилишда қишга тайёргарлик ишларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

Юртимизда айни пишиқчилик. Она ер саховати, бободеҳқон меҳнати туфайли етилаётган сабзавот ва мева, полиз маҳсулотлари, бошқа ноз-неъматлар эл дастурхонига файз киритмоқда. Айни кунларда қайта ишлаш корхоналарида шу маҳсулотларни қабул қилиш ишлари авж пардаларга кирди.

— Деҳқончилик ҳар қачонгидан ҳам баракали келмоқда, — дейди «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари Ж. Маъруров. — Бу йил тизимимизда беш миллион тонна маҳсулот етиштириш мўлжалланяпти. Эндиликда ички бозор эҳтиёжи тўла қондирилаётганлиги туфайли жаҳон бозорига тезроқ чиқишга ҳаракат қиляпмиз. Шу мақсадда махсус дастур асосида хорижий фирмалар билан шартномалар тузиляпти.

Ҳозир республикамизда йилига қарийб 250 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган консерва заводлари, шунингдек, мева қуритиш корхоналари ишлаб турибди. Маҳсулот етиштирувчилар билан аниқ шартномалар тузилди. Андижон, Асака, Ғазалкент, Янгийўл, Самарқанд консерва заводларида илғор технология дадил жорий этилмоқда. Бу корхоналарда, жумладан, яхлит штампланган томат қайласи, узум шарбати ишлаб чиқарила бошлади. Янги Тошкент консерва комбинатида қолқоғи бураладиган ихчам идишларда мураббо тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳар қандай харидорнинг кўзини қувонтирувчи бундай бежирим идишлар Литва ва Болгариядан келтирилмоқда. Шу тариқа бу йил 17 минг тонна томат пастаси, қарийб тўрт минг тонна олма шарбати ва бошқа жуда кўп турдаги маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш ниятидамиз.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● Яқинда тузилган «Вассенаар битими» қандай ташкилот? ● Кун тартибида яна террорчиликка қарши кураш масалалари ● Беларусь: президент ва парламент ўртасидаги жанжал ● Ж. Дудаев ва С. Радуевлар чиндан тирикми? ● Қабилараро қонли жанглар

ВЕНАДА ТАЪСИС ЭТИЛДИ

СОБИҚ қизил империя ҳукмронлиги йиллари давомида Шарқ билан Ғарб барча масалаларда бир-бирига муҳолиф бўлиб турди. Икки қутб ўртасидаги муносабатларни, жумладан, оддий куролларни ҳамда иккиламчи мақсадларга хизмат қиладиган маҳсулотлар ва технологияларни экспорт қилиш тизилмаси устидан назорат қилишни янги босқичга кўтариш муаммоси айни пайтда ўта долзарб йўналишга айланди. Аввалларги илғор технология ва ҳарбий соҳада қўлланилиши мумкин бўлган бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш мажмуалари билан Шарқ билан савдони мувофиқлаштириш бўйича қўмита яъни ШСМБҚ (КОКОМ) шуғулланар эди. Марказий ва Шарқий Оврупода вазият ўзгаргач, бошқача йўл тутишга тўғри келди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўтган ойнинг 11-12 кунлари жаҳоннинг 33 мамлакати вакиллари Австрия пойтахти Венада учрашиб, янги ташкилот тузишга ахдлашиб олдилар. Унга «Вассенаар битими» деб ном берилди. Собиқ Совет Иттифоқи ҳукми доирасида бўлган Венгрия, Польша, Руминия, Болгария, Украина, Чехия, Словакия сингари янги давлатларнинг мазкур ташкилотга кириши алоҳида мазмун кашф этди. Ваҳоланки, улар эндиликда бир уюшмада бўлган АҚШ, Англия, Бельгия, Дания, Франция, Германия, Италия, Швеция кабилар билан илгари доимий зид ҳаракатда бўлган эди. Бундан буён эса улар минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасида биргаликда саъй-ҳаракат кўрсатадилар. Иштирокчи давлатлар маълум рўйхатга кирган оддий аслаҳалар, технологиялар, иккиламчи мақсадларни кўзловчи маҳсулотлар, қурол-яроқлар экспорти устидан қатъий назорат ўрнатадилар. Шартнома қатнашчилари ўз зиммаларига бажарилиши шарт бўлган аниқ мажбуриятлар олдилар.

Шу кунларда Вассенаар битимида кўзда тутилган шартларни адо этиш дастлабки босқичга кирди. У хавфсизлик ва тинчликни таъминлашдек олижаноб мақсадга хизмат қилиши кутилмоқда.

ШАРМ АШ-ШАЙХДАН ПАРИЖГАЧА

ШУ ЙИЛНИНГ 25 июни катта фожиа куни бўлди. Саудия Арабистонининг Дахран ҳудудидаги АҚШнинг Хобар-Тауэрс ҳарбий қўнғироҳида дафъатан кучли портлаш юз берди. Юзлаб кишилар азият чекдилар. Кўп миллатли аскарлар орасида ҳалок бўлганлар, жароҳатланганлар сон-саноқсиз эди. Бу «муваффақиятли» ўтказилган террорчилик хуружларидан бири бўлди.

...Сирасини айтганда, бу ҳодиса террорчилик силсиласида атиги бир халқача эди. Чунки, шу йилнинг ўзидагина бундай халқаро хунук зулмкорликлар кўп содир этилди. Токио метросидаги газдан заҳарланишлар, Шимолий Ирландия, Лондон шаҳри кўчалари, Париж ерости йўли, Қоҳира меҳмонхоналари, Покистон тайёрагоҳлари, Москва троллейбуслари ва бошқа қатор жойлардаги портлашлар кўпчиликни таҳликага солиб қўйди. Айниқса, Нью-Йорк аэропортидан кўтарилган «Транс Уорлд Эйрлайнз» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-747» ҳаво кемасининг портлаб кетиши оқибатида бир зумда 229 кишининг ҳалок бўлиши кутилмаган ғам-алам келтирди. Бир неча кун муқаддам Атланта шаҳрининг олимпиада истироҳат боғида ёрилган қўлбола «бомбачалар» Марказий Разведка Бошқармаси, Федерал Тергов Бюроси каби хавфсизлик маҳкамаларини ҳам гангитиб қўйди. Охирги мусибатли воқеа ўтган сешанба куни Жазоир пойтахтининг Ал-Биар мавзесидаги таомхонада рўй берди.

Кўриниб турибдики, бундай воқеалар тасодифий ҳол эмас. Халқаро терроризм ҳаддидан ошмоқда. У жаҳондаги барча давлатлар ва халқларнинг «бош оғриғи»га айланди. Шу боис, жорий йилда Мисрнинг Шарм Аш-Шайх, Франциянинг Лион шаҳарларида террорчилик ва жиноятчиликка бағишланган жуда катта йиғинлар бўлиб ўтди. Биргина Лион учрашувида дунёнинг ривожланган 8 мамлакати раҳбарлари террорчиликнинг олдини оладиган қирққа яқин тавсиявий тадбирлар қабул қилдилар. Бироқ, фалокатларнинг олдини олиб бўлмаяпти.

Аввалги мулоқотлар чоғида АҚШ, Франция, Олмония, Англия, Япония, Италия, Канада, Россия каби давлатлар бошлиқларининг юқоридаги масалаларга аталган навбатдаги учрашувларини шу йил кузида ёҳуд 1997 йилда ўтказиш кўзда тутилган эди. Лекин, бу режа ҳам кечга ўхшаб қолди. Ўтган душанба куни юқоридаги мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Франция пойтахтида йиғилдилар. Улар яна эски «дард»ларини ўртага ташладилар: халқаро террорчиликка қарши курашни фаоллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича фавқулодда қатор вазифаларни белгилаб олдилар. Навбатдаги чораларнинг қандай натижа беришини яқин келажак кўрсатади.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● РОССИЯНИНГ Приморск ўлкасида шахтерларнинг иш ташлаши давом этмоқда. Унда 15 мингга яқин одам қатнашмоқда., Приморск ГРЭСида эса 320 киши очлик эълон қилди. Иш ташлаганлар ва очлик эълон қилганларнинг талаби битта — тезроқ маош олиш умидидир.

● ҲЕЧдан кўра кеч яхши. Ҳозир Олмония дорилфунунларида 55 ёшдан ошган 40 мингга яқин немислар илм олмоқда.

● ФАЛАСТИН мухторияти президенти Ё. Арофат Исроил бош вазири ёрдамчиси Дора Гольдани қабул қилмади. У бош вазир Б. Нетаняху билан юзма-юз учрашишни афзал кўрмоқда.

● АҚШда чиқадиган «Фробс» журналининг ёзишича, хусусий шахслар орасида «Майкрософт» корпорацияси раҳбари Бил Гейтс дунёда энг бадавлат одам экан. Унинг бойлиги 18 миллиард долларга тенг.

● МОСКВАДА янги партия — Тожикистон халқ бирлиги тузилганлиги эълон қилинди. Тожикистоннинг собиқ бош вазири Абдумалик Абдуллажонов партия раҳбари этиб сайланди.

● ЎТГАН ҳафтада Хитой Лобнар кўли ҳудудида навбатдаги ядровий портлатишни амалга оширди. Лекин, у дарҳол ядровий қуролларни мутлақо ман этувчи Женева битимига қўшилажаклигини эълон қилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

БУ — СИЁСИЙ ИНҚИРОЗЛИКМИ?

ЎТГАН ҳафтада жаҳон оммавий ахборот воситалари Беларусь Республикаси юқори давлат пиллапояларида рўй берган воқеаларга алоҳида эътибор бердилар. Гап шундаки, бу ерда президент Александр Лукашенко билан мамлакат парламенти ўртасида жуда катта жанжал чиқди. Парламент аъзолари давлат бошлиғини қатор гуноҳларда айблашга киришдилар. Президент эса ойнаи жаҳон орқали сўзга чиқиб, ўз муҳолифлари шаънига жуда қаттиқ гапларни айтди. Жумладан, у мени президентликдан мосуво қилмоқчи бўлганларни кўриб қўяман, мени ишдан четлаштирмоқчи бўлганларнинг ўзи ишдан кетади, деб дўқ қилди. Керак бўлса, деб таъкидлади давлат бошлиғи, мен яна икки муддат президентлик қилишим мумкин.

Натижада Беларусь пойтахти кўчаларида ва бошқа жойларда намойишлар бўлиб ўтди. Одамларнинг кўчага чиқишлари кўпайди. Қарама-қарши туришлик аниқ кўзга ташланди.

А. Лукашенко биринчи бўлиб ўз тарафдорларини амалга ошира бошлади. Куни кеча у икки вазирнинг истеъфосини қабул қилди. Чет эл ахборот маҳкамаларининг вакиллари Беларусдаги вазиятни сиёсий инқирозлик, деб баҳоламоқдалар. Бу ҳолат қандай оқибатларга олиб келишини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди.

«ЎЛИБ-ТИРИЛГАНЛАР»

ЧЕЧЕНИСТОНДА уруш ҳаракатлари ҳамон давом этмоқда. Одамлар қурбон бўлмоқда. Қишлоқлар, қўрғонлар, бинолар вайрон этилмоқда. Ана шундай вазиятда Россия Федерацияси вакиллари билан муҳолифатчилар ўртасида яна бир бор музокаралар бўлиши кутилмоқда эди. Аммо, Шимолий Кавказ ҳарбий округи бош қўмондони А. Квашнин билан муҳолифатчилар ҳарбий штаби бошлиғи А. Масхадов ўртасида белгиланган учрашув бўлмади.

Шу орада Чеченистоннинг собиқ президенти Жоҳар Дудаев ҳамда унинг куёви — дала қўмондонларидан бири Салмон Радуевнинг тирик эканликлари ҳақида миш-мишлар тарқалди. Маълумки, Ж. Дудаев ва С. Радуевлар бир қанча муддат илгари ўлдига чиқарилган эдилар. Уларнинг фожиали ҳалокати борасида, кўмилган жойлари ҳақида аниқ гапсўзлар бўлган эди. Бироқ, бир неча кун муқаддам Салмон Радуевнинг омон эканлиги, олган жароҳатларидан тузалганлиги тўғрисидаги ойнаи жаҳон лавҳалари ҳаммани ҳайратга солиб қўйди. Устига-устак собиқ президент Жоҳар Дудаевнинг ҳаёт эканлиги устида ҳам аниқ хабарлар тарқалди. Унинг яқинларидан бўлган айрим кишилар Ж. Дудаевнинг соғ-саломат эканлиги ҳақида гувоҳлик бердилар.

Ҳеч қандай сир мангу маҳфий бўлиб қолган эмас. Омон бўлсак кўрамиз. Яқин кунларда юқоридаги гапларнинг ҳам таги кўриниб қолса, ажаб эмас.

ЭСКИ «КАСАЛ» ЯНА ҚЎЗҒАГАНДА

БУРУНДИ Африка қитъасидаги унча катта бўлмаган мамлакатлардан биридир. Лекин, бу ерда йиллар давомида мутлақ осойишталик ҳеч қачон ҳукм сурган эмас. Бунинг боиси бор. Мамлакатда асосан икки қабила вакиллари — тутсилар ва хутулар истиқомат қиладилар. Кўп йиллар давомида ана шу икки қабила оддий нарсалардан катта жанжаллар, ҳатто, қуролли тўқнашувлар чиқариб келмоқдалар.

Таҳминан бир ярим ой бурун ана шундай тўқнашувлардан яна бири бошланиб кетди. Тутсилар билан хутулар ўртасидаги қонли отишмаларда жуда кўп одамлар ҳалок бўлди. Юзлаб кишилар қўшни давлатлардан паногоҳ изладилар. Мамлакат президенти Сильвестр Нтибантунгани эса АҚШ элчихонасидан бошпана топди. Пойтахт — Бужумбуридаги вазият ҳамон ноаниқ бўлиб турипти.

Қуролли жангларни тўхтатиш ва осойишталик ўрнатиш ишларига, ҳатто, АҚШ президенти Б. Клинтон бош қўшди. Жанубий Африка президенти муовини Тхабо Мвеки ҳам жанжалли ихтилофларга аралашиш истагини билдирди. Воқеалар соат сайин ўзгариб турипти. Жаҳон жамоатчилиги Бурундида тинчлик ўрнатиш тарафдори эканлигини изҳор этмоқда.

Болалар масканларида

«ҚАЛДИРҒОЧ»ДА ЁЗ

Ҳа, Ангрендаги «Қалдирғоч» номли 23-болалар боғчасида меҳнаткашларнинг юздан зиёд фарзанди ҳар томонлама қулай шароитларда тарбияланмоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги баъзи муаммоларни бартараф этиш йўлларини топа билган боғча жамоаси болаларга берилаётган овқатларнинг сифати ва тўйимлилигини оширишга, хилма-хиллигини таъминлашга эришмоқда. Жамоа боғида етиштирилган олма, олча, ўрик сингари мевалар ошхона дастурхонининг тўкинлигини янада оширмоқда. Улардан тайёрланган салқин шарбатлар болаларнинг севимли ичимлиги бўлаётир.

Ҳозир айни ёз. Боғчадаги ховузда болалар нафақат чўмиладилар, шу билан бирга, сузишни ўрганиш бўйича машғулотларда ҳам қатнашадилар. Бундан ташқари 3 та ўзбек, 2 та русийзабон гуруҳларга бўлинган тарбияланувчиларга табиатни муҳофаза қилиш ва ўзбек тилини ўргатиш аниқ дастур асосида ташкил этилган. Ҳозир бу ерда тарбияланаётган кўпгина русийзабон болакайлар ўзбек тилида бемалол гаплаша оладилар.

Боғча жамоаси анчадан бери шаҳардаги 8-ўрта мактаб билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Мактаб ўқитувчилари вақти-вақти билан бу ерга келиб, катта гуруҳдаги болаларни мактабга тайёрлаш бўйича амалий машғулотларда қатнашадилар. Шунингдек, биргаликда «Эртаклар - яхшиликка етаклар» мавзуида турли кечалар, саҳна томошалари ташкил қилинади.

— Боғчамизда ҳар йили кўкламда турли дарахт кўчатлари ва гуллар экиш анъанага айланган, — дейди боғча мудираси Норпошша Раззоқова. — Шу баробарида болаларни табиатни севишга, дарахт ва гулларни парвариш қилишга ўргатиб борамиз. Бу билан болалар яшил оламга меҳр-муҳаббатли бўладилар, меҳнатга дастлабки кўникмаларни ҳосил қиладилар. Табиийки, табиатни севган бола одобли ва меҳрли бўлади.

Боғчада меҳнат қилаётган Шаҳноза Шаҳобова, Рушана Аҳметова, Моҳира Сулаймонова, Елена Бурдукова, ошпазлар Клавдия Михайловна, катта тарбиячи Светлана Цой, ҳамшира Н. Загидуллина сингарилар жамоада эришилаётган барча муваффақиятларга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Чарос ҒИЁСОВА.

СУРАТДА: болалар гулларни парвариш қилмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҲАФТАЛИК TV Тошкент ҳақиқати TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Тонгларга туташган наволар». Абдурасул Ғуломов.
8.50 «Табиат—ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сизга таъзим». Публицистик кўрсатув.
10.35 Ҳ. Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар ороли». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.25 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Илм—ўзликни билмакдир». Публицистик кўрсатув.
11.45 «Карнайгул». Мультфильм.
11.55 «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам».
12.20 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Сохибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Фақат қизлар учун!»
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.45 «Замон».
21.55 «Касбга садоқат». Профессор Лола Ҳўжаева ҳақида телеочерк.
22.20 «Юртим жамоли».
22.35 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм премьераси.
23.15 «Дурдона».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.25— 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эски ҳужрада». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
***
18.10—20.35
*
20.35 «Қора сувсар изидан», «Кўзойнакли илон». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Спорт-дайджест».
21.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.40 «Савол-жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.
22.10 Эълонлар.
22.15 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.45 «Диқкурьер».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Асрлар нидоси». Адабий кўрсатув.
9.00 «Икки эшик ораси». Публицистик кўрсатув.
9.30 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, яшил тили!».
11.40 «Ватанпарвар».
12.10 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм.
13.15 Футбол шарҳи.
13.30 Ўзбек қўйларидан концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.00 «Маърифат» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Абадият қўшиғи».
18.45 «Замон билан ҳамнафас».
19.00 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Автоолам».
21.40 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.55 Шеърият лаҳзалари.
22.00 «Дубль».
22.10 «Жаҳон киноси қўлдузлари».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.05 — 00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45 — 23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ойдарани тарк этиб...» Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
**
18.10—20.35
*
20.35 «Эсдалик учун дастхат».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Маънавият сарчашмалари».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Жаҳон болалари».
20.10 «Дунё эшиги».
20.40 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
20.45 Эълонлар.
20.50 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.40 «Шарқ тафаккури».
22.10 Эълонлар.
22.15 «IV канал эксклюзиви».
22.45 «Юлдузлар жилоси».
23.05 «Тошкент оқшомида».
24.00 —00.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Кекса санъаткорлар».
9.05 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Афсонавий Бухоро». Кинокўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Футбол майдонларида».
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.35 Хотира. «Карим Маҳмудов». Телеочерк.
12.00 «Алла айтинг, онажон». Мусиқий композиция.
12.30 Болалар учун фильм. «Кўринмас одам».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.25 «Жиноят ва жазо».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
18.55 «Акциядор луғати».
19.10 «Омонлик тилаймиз».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба».
21.25 «Дилнавоз садолар».
21.40 «Одобнома».
21.50 Олтин мерос. «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Молдавия шишалари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
***
18.10—20.35
*
20:35 «Қўриқхона ороллари», «Кошкар». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Саломатлик— туман бойлик».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Сехр».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Эколот-коктейль».
22.20 «Компьютер-ревю».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қўшиқларим Сизга армуғон». Ғиёс Бойтоев ва Муҳаммад Юсуф.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Чуст жилолари».
9.30 «Эл тинчлиги йўлида». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун фильм. «Имконият».
11.30 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
11.55 Санъат устаталарининг концерти.
12.30 Ўйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Маслаҳат».
18.40 «Йигит омон бўлса...».
19.00 Бизнес ҳафта якунлари.
19.10 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 Эъзоздаги қўшиқлар.
22.00 «Таниш ва номаълум».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чилангарлар». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
***
18.15—20.40
*
20.40 «Нарзанлар водийси». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун».
19.35 «Эл хизматида».
19.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Ташриф»лар ва таклифлар».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Билиб қўйган яхши».
21.25 «Бу бўстон аро...».
21.55 Европа лавҳалари.
22.35 Эълонлар.
22.40 «Сирдошим».
23.10 «Жоним фидо, Сизга қўшнилар».
23.35—23.45 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.45 «Мен ёшликман».
10.45 «Онамнинг ўгитлари».
11.00 «Ғазалхон ёшлигим».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.50 «Пахтакор», 40 ёшинг муборак!».
12.10 «Мен ҳам талаба бўлмоқчиман».
12.30 «Сув ва сахро». Публицистик кўрсатув.
12.55 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.25 «Маънавият» видеоканали.
14.25 — 15.00 «Пойтахт концерт заллари»да».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган кўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Тарозу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.40 «Кўнгил».
22.00 Футбол. Осиё чемпионлари кубоги. «Нефтчи» (Фарғона) — «Ситора» (Душанбе).
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.45 «Заковат».
22.55 «Мўъжиза».
23.05 «Имкон чўққилари».
23.20 «Андоз». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Камертон».
9.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
9.40 «АРТ-журнал».
9.55 «Табиат дунёси».
10.45 «Автосалон».
11.05 «Хобби-холл».
11.20 «Кинонигоҳ».
13.00— 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Ўйинчоқлар растаси».
18.20 Ҳужжатли кино экрани.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Банғкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 — 23.20 «Мукаррам опа ва қирқ гўзал». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:
10.00 «Дидар».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Умид».
11.30 «Сахий хонадонда».
12.00 «Рангинкамон».
12.30 — 14.00 «Даҳонинг ёшлиги». Болалар учун фильм.
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Спорт-дайджест».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Оқшом эртаклари.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Шалом».
21.15 Адабий театр.
21.25 «Эсдалик учун дастхат».
21.50 Эълонлар.
21.55 Кинонинг олтин асри. Луи де Фюнес «Оскар» фильмида (Франция).
23.15 Эълонлар.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.30 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 3-қўй.
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Бунёдкор». Қурувчилар кунига бағишланади.
14.00 — 15.00 «Нурли келажак». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...». Мусиқий кўнгилочар дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Шаҳс ва баҳс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера! М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 4-қўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» — «Наврўз».
00.45 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 Ўйинчоқлар растаси.
9.30 Ҳужжатли кино экрани.
10.10 «Компьютер — Осиё».
10.40 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
11.00 «Видеогид».
11.20 Видео — «О».
13.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.30 «Боланинг тили...»
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар».
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Транспорт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқий майдонча».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафт

Сиз кутган учрашув

СОЗ СЕҲРИ

БАҲОРНИНГ майин шаббодаси қанотига қўшиқ илиб оқликка ўралган боғлар узра кезади. Кўнгилга оламолам ёқимли ҳислар ила кириб келади бу қўшиқ! Ҳаётнинг залворли юки, турмушнинг илиқ-иссиқ қувончу-ташвишларига банд бўлган ҳаёлот дунёсини ана шу хислар ила пардалаб, сизни бир дамгина бўлса-да, гўзалликнинг сеҳрли оламига етаклайди, бу қўшиқ!..

Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовнинг ҳаёт йўли ҳақида узундан-узоқ ёзишнинг ҳожати йўқ-уни кўпчилик яхши билади. Халқ севган бу ҳофизнинг қўшиқлари ҳақида ҳам ортиқча сўз юритиш шарт эмас-улар ижро этилган дастлабки кунларданоқ тингловчиларнинг «ўзиникига» айланади. Шундай эсада, кўпчилик муштарийларимизнинг истакларини эътиборга олиб, бир неча саволлар билан унинг ижодхонасига ташриф буюрдик.

— Санъатга кириб келиш, маълумки, ҳар кимда ўзгача бўлади. Камолиддин ака, сизнинг болалигингиз қандай кечган, қўшиқ айтаман, санъаткор бўламан, деб ўйлармидингиз?

— Болалалигимда икки нарсага кўп машғул бўлганимни эслайман: биринчиси, баҳор келиб-келмай варрак учириш фикру — ўйимни банд киларди. Ўртоқларим билан тўрт, олти қулоқли варраклар ясардик, бундай мураккаб варракларни тайёрлаш ва учириш борасида мендан ўтадигани йўқ эди, чамамда. Иккинчиси консерва идишларига ёғочдан даста қадаб, унга сим тортиб от думидан «қўлбола» камонча ясардим. Яна юпқа тахтачалардан думалоқ шакл ясаб, даста қадаб, ип тортиб чалардим — бу эса «қўлбола» дутор эди. Чилдирма чертиб астойдил қўшиқ айтардим. Жўраларим билан бундай машғулотларга берилиб, ўзига хос «ансамбль» бўлиб, «концерт»лар қўйган пайтларимиз ҳали-хануз ёдимда.

Авлодимизда санъаткорлар бўлмаган. Лекин, дадамларнинг айтишларича, бобомиз замонасининг ўқимишли уламоларидан бўлиб, у кишини Муҳаммад Иброҳим қози деб аташаркан. Бувимизни эса қизларга илм ўргатганлари учун Рухсора отин деб номлари чиққан экан. Дадам мулла Қаюмжон оталаридан эрта ажраб, ёшликдан меҳнат билан машғул бўлганлар.У киши қуй-қўшиқни жон-дилларидан севар эдилар. Онамиз Сиддиқахон ая эса жуда хушфеъл, дилкаш аёл бўлиб, у киши кирган даврада аёлларнинг ҳандон кулгилари тинмасди. Уларни Оллоҳ раҳмат қилсин.

Ана шундай мухитда ўсганим учунми, мусиқа ва хониш ҳамиша менга ҳамроҳ бўлиб келмоқда.

— Муборак Ҳадислардан бирида «Бешикдан қабргача илм изла», яна бирида эса «Илм олиш ҳар бир мўмин учун фарздир», дейилган. Сизнингча, илм олишнинг эрта-кечи борми?

— Мен дастлаб 1950-1960 йилларда Наманган шаҳридаги мактабда ўрта маълумот олдим. 1962-1966 йилларда эса Тошкент маданий оқартув техникумини сиртдан тугатдим. Бу билан менинг илм олиш йўлим шундан иборат бўлди, демоқчимасман. Фикри ожизимча, илм олиш у ёки бу даргоҳда ўқиб, диплом олишгина эмас. Инсон ақлини танибдики, теварак атрофини кузатишга, билишга интилади. Шунинг ўзи илмга чанқоқлик йўлидаги дастлабки қадамлар эмасми? Ўқиш-ўрганиш, изланиш-истаймизми, йўқми, биз учун Яратганнинг ўзи берган катта инъоми, бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган ноёб ҳислат. Аммо, локайдлик деган ёмон бир хасталикдан ёшу-қарини ўзи асрасин.

Ана шу маънода инсон доимо илм олишга интилар экан, албатта, ҳаётнинг ўзи, қолаверса, китоб деб аталмиш ғоят ажойиб бир неъмат берадиган беҳаҳо озуқалардан баҳраманд бўлишдек бахт барчага насиб этсин.

Ҳамиша оппоқ тонгни кутиб ёки бедор кечалар ҳазрат Навоий ёки Машрабнинг бетакрор байтлари битилган китобларни қўлимга олар эканман, ҳаёлот дарёсига ғарқ бўламан, гўё. Улардаги нафосат торга қўл чўзишга ундайди, оҳанглар сеҳри, ғазалдаги жозиба уйғунлашиб, қўшиққа айланади...

— Устоз ва шогирд тушунчасини қандай таърифлаш мумкин?

— Мен ўрта мактабда илк мусиқий сабоқни Жўра Машшоқ Бойхоновдан, кейинчалик Жалолиддин Холиқовдан олдим. 1957 йилдан шаҳар маданият уйига қатнаб юрган кезларимда ажойиб санъаткор Ваҳоб Абдуллаев ва Насриддин Мажидовга шогирд бўлиш насиб этди. Уларнинг сабоғини қунт билан эгаллаб, бу ёрдаги ашула ва рақс ансамбли қатнашчисидан даста бадиий раҳбари даражасига бўлган йўлни босиб ўтдим, шаҳар ва вилоят, республика миқёсидаги кўрик-танловлар ва фестивалларда иштирок этдим, аксарият кўп ҳолларда муносиб ўринларни эгаллаб, фахрий ёрлиқлар, дипломлар, қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлдим.

Шу ўринда устозларим аския санъати устаси Абдулҳаймахсум Қозоқов, халқ ҳофизлари Маъруфхўжа Баҳодиров, Орифжон ака Хатамов, Фаттоҳхон Мамадалиевларни ҳам тилга олмай ўтолмайман... Оддий хаваскордан Ўзбекистон халқ артисти даражасигача етишимда, албатта, ана шулар сингари устозлардан бир умрга миннатдорлик туйғуси билан,уларнинг хизмати беқиёс, деб ўйлайман.

Бугун ўзим ёшларга санъат сирларини ўргатар эканман, ана шу туйғу мени яна ва яна кўпроқ меҳнат қилишга, бу билан устозларим ишончини оқлаш ҳамда бир пайтнинг ўзида улардан олган сабоқларимни шогирдларим ижодига ҳам сингиришга ҳаракат қиламан.

— Умр оқар дарё, дейдилар. Эллик баҳорни ҳам ортда қолдирдингиз. Айтинчи, илк бор ойнаи жаҳонда айтган қўшиқларингиз ёдингиздами?

— Албатта, 1963 йил 20 май куни Республика телевидениеси орқали Самарбону сўзи билан «Унутмайман сени харгиз» деган қўшиқ билан чиққан эдим. Бу ашула халқимизга маъзур бўлган шекилли, орадан кўп ўтмай яна ойнаи жаҳонга таклиф этишган, ҳамда томошабинлардан келган бир даста хатларни беришган эди. Шу тарика телеконцертлар орқали хонадонларга тез-тез «ташриф» этиш бахтига муяссар бўлдим.

— Камолиддин ака, бу йил давлатимиз Мустақиллигининг 5 йиллиги нишонланади. Истиқлол тўйғуси санъаткорлар зиммасига қандай вазифалар юклади, деб ҳисоблайсиз?

— Муборак истиқлол, энг аввало, бизга ўзлигимизни қайтаргани учун ҳаҳам азиз ва муқаддасдир, деб ҳисоблайман. Санъаткор учун ота-она розилиги, санъатга фидойилик, оиладаги ҳалоллик ва тотувлик, устозлар ўгитига рися этишдек бир-биридан муҳим хислатлар керак. Истиқлол туйғуси зиммамизга юклаган энг катта вазифа — она Ватанни севиш, ардоқлашга қаратилган ижодни юксак поғонага олиб чиқиш масъулияти бўлди менимча. Ўз Ватанига садоқат, унга бўлган меҳр-муҳаббатини ўз қўшиқлари орқали ифода этолмаган санъаткорда юқоридаги ҳислатлар камол топиши ғоятда мушкул. Ана шу ўринда Республикамиз бўйлаб давом этаётган «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик танловининг нечоғлиқ аҳамият касб этаётганини тасаввур этинг-а!

— Камолиддин ака, сиз халқимизнинг туб маънодаги хурмат-эътиборига сазовор бўлган инсонсиз.

— Ҳа, мен чин маънода бахтли инсонман, дея оламан. Яна ва яна шукроналар айтаманки, ўғил-қизларим ҳаётда ўз ўрнини топиб олди. Олимжон, Ҳасан ва Ҳусанжонлар, Содиқхон олий маълумот олиб муҳандис бўлди, бугун улар турли жабҳаларда меҳнат қилишмоқда, қизларим Ҳикматой, Адолатбону, Зулхумолар, куёв-ўғил, келин-қизларим, набираларим хонадонимиз кўркига кўрк, хурсандчилик олиб келяпти. Илоҳим улар ўзларидан кўпайиб, ҳамиша эл-юрт ҳизматида бўлишсин!

Ўзим эса озми-кўпми меҳнатим билан халқимиз эътиборига тушдим, қўшиқларим санъатсеварлар мулкига айланиб қолди. Ана шу эътибор, одамлар меҳри масъулиятини чуқур ҳис этаман, албатта. Бундан ташқари 1978 йилда Республикада хизмат кўрсатган артист, 1983 йилда эса Ўзбекистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлдим, ўз созим билан Америка, Афғонистон, Миср, Туркия, Ливия, Эрон, Франция сингари ўнлаб хорижий давлатларда муҳлислар олқишини олдим. Ўнлаб шогирдларим бугун ўз қўшиқлари билан халқимиз кўнглиги кириб бораётганининг ўзиёқ катта бахт эмасми?

Мустақиллик туфайли юртимизда рўй берган ўзгаришлар, миллий қадриятларнинг тикланиши, ҳар жабҳада ўзлигимизни топишга интилиш, ота-боболар руҳини шод этиш йўлидаги ҳайрли саъй-харакатлар, давлатимизнинг, шахсан юртбошимиз И. А. Каримовнинг барча соҳалар қатори ўзбек санъатининг бундан буёнги ривожи йўлидаги ғоят катта ғамхўрликлари-буларнинг ҳаммаси юртдошларим қатори мен — оддий ўзбек хонандасини ҳам ҳамиша изланишга, янги-янги қўшиқлар яратишга ундаши, илҳомлантириши табиий бир ҳол эканлигини исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунларда ана шу йўлдаги изланишлардан бўлган—ўзим ва шогирдларим билан ғаликда яратилган қўшиқлар гулдастасини телетомошабинларга тақдим этиш устида иш олиб боряпмиз.

— Иқтидорли шоир Ҳабиб Саъдулла (дарвоқе, сизнинг узоқ йиллардан бери содиқ ҳамкорингиз) сизга бағишланган шеърларидан бирида «Бўлибсан торга чин ошно, Мудом дастингда тор бўлсин»,— дея билдирган тилакларига қўшилиб, кўпсонли муштарийларимиз номидан сизга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, ижодий парвозлар тилаймиз, сиздан барча қўшиқсевар муҳлисларингиз қатори янги-янги қўшиқлар кутиб қоламиз.

— Ташаккур, худди шундай тилакларни «Тошкент ҳақиқати» ижодий жамоасига ҳамда унинг кўп минг сонли ўқувчиларига менинг номимдан етказсангизлар.

Суҳбатдошлар:
Лутфиддин ҒАФФОРОВ,
Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ.

„Тошкент ҳақиқати" ўқувчиларига тинчлик — омонлик, бахт-саодат, қаҳтурхонларига тўкинлик, файз-барака ва хонадонларига шоду-хуррамлик истаб Нойиб.

ЮРАКЛАРДАН ЮРАКЛАРГА

OZBEKISTON-VATANIM MANIM — QOSHIQLAR KORIK-TANLOVI

«Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят қўшиқлар кўрик-танлови ғолиблари айни кунларда якуний босқичга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу муносабат билан мухбиримиз вилоят маданият ишлари бошқармасининг етакчи мутахассиси Феруза Амириддинова билан суҳбатлашди.

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят қўшиқлар кўрик-танлови якунланди. Энди олдинда олий босқич турипти. Ферузахон, қўшиқлар кўрик-танлови ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Маълумки, вилоятимизда иқтидорли ижодкорлар, қўшиқчилар кўп. Ана шулар томонидан кейинги пайтларда талайгина янги қўшиқлар яратилди. Танловда уч ёшдан етмиш ёшгача-оддий халқ вакилларидан тортиб, таниқли санъаткорларгача: жами 21 минг 461 киши қатнашиб, 4287 та қўшиқ ижро этилди.

Миллий мустақилликнинг маънавий асослари: иймон, диёнат, ахлоқ, виждон! Ана шундай ҳис-туйғуларни кишиларимизда ҳар томонлама шакллантириш, улар тафаккурига мустақиллик ғояларини етказиш, миллий ғурур руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан санъатга, айниқса, қўшиқчилик санъатига, барча севиб тинглайдиган жўр бўлиб куйлайдиган Ватан ҳақидаги қўшиқларга боғлиқдир.

— Жуда катта ва ибратли ишлар амалга оширилди. Бундай хайрли ишларда таниқли ижодкорларнинг ҳам хизматлари бўлса керак?

— Албатта, кези келганда республика бастакорлар уюшмасига миннатдорчилик изҳор қилмоқчимиз. Бу уюшма томонидан ҳаммамизга таниқли бўлган қатор бастакорлар вилоятимиз шаҳар ва туманларига ёрдам бериш мақсадида бириктириб қўйилди. Ижодкорлардан Ҳ. Раҳимов, Б. Лутфуллаев, Ф. Олимов, Н. Нарзуллаев, Н. Аминжонов, А. Муллахонов ва бошқалар масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бизга яқиндан кўмаклашдилар.

— Вилоят кўрик танловининг якуний босқичи ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳудудий кўрикда танлаб олинган 40 та қўшиқ вилоят кўрик-танловида ҳаваскорлар аъзолари ва тингловчилар эътиборига ҳавола қилинди. Маълумки, якуний босқич шу йилнинг 2 апрель куни Мукимий номли ўзбек давлат мусиқали ва комедия театри биносида ўтказилди. Бунда биринчи ўринни Б. Умиров, иккинчи ўринни Ғофур ва Зафар Қўчқоровлар ҳамда У. Ҳалилов эгалладилар. Учинчи ўрин эса Қ. Мақсудов, А. Бобораҳимов ва А. Саидориповга насиб этди.

— Танловда бошқа миллат вакиллари ҳам иштирок этдиларми?

— Вилоятимиз кўп миллатли бўлганлиги учун унда турли миллат вакиллари қатнашдилар. Айниқса, якуний босқичда иштирок этган қозоқ қизи Р. Аринова ўзининг шеъри ва куйи билан ижро этган «Ўзбекистоним» бағишлови, А. Пак сўзи ва мусиқаси билан корейс фольклор жамоаси ижро этган «Ўзбекистон баҳори» қўшиғи ҳаваскорлар аъзолари ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

— Ҳомийлар ҳақида ҳам газетхонларни хабардор этсангиз?

— Тошкент вилоят «Камолот» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, халқ демократик партияси, вилоят касаба уюшмалари кенгаши қўшиқлар кўрик-танловига ҳомийлик қилдилар.

— Мухтасар суҳбатингиз учун ташаккур!

— Раҳмат!

Суҳбатдош Баҳодир ВАЛИЕВ.

ХОК ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч Ўзбекистон спорт делегацияси раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувда делегациямиз раҳбари, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев Халқаро Олимпия Қўмитасининг Миллий Олимпия қўмитамизга кўрсатаётган ёрдами ва эътибори учун миннатдорчилик билдирди.

Жаноб Самаранч 1997 йилда Олмаотада ўтадиган иккинчи Марказий Осиё ўйинлари билан боғлиқ масалалар ҳақида фикрлашиб олди. Шунингдек ХОК президенти 30 августда Тошкентга ташриф буюришини, Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик тантаналарида иштирок этиши ҳамда теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун ўтказиладиган учинчи халқаро турнир очилишида қатнашиш ниятида эканлигини маълум қилди.

УЙҚУСИЗ ТУНЛАР...

Турмуш чорраҳаларида

Тун ярмидан оғди. Йиғлай-йиғлай кўзи илинган чақалоқни ўрнига авайлаб ётқизган Нодира уйқусизликдан қизаринсираб,. ичичига ботиб кетган кўзларини ишқалаганча, ўзи ҳам ётмоқчи бўлди... ётолмади.

Унинг кўнгли ғаш. Қанчадан қанча муолажалар ҳам гўдакни оёққа турғаза олмаяпти. Даволовчи шифокорлар-у, чақирилган мутахассислар ҳам беморни тезроқ соғайишига қанчалар уринмасинлар, бари ҳозирча натижасиз...

Кўшни кроватда пиш-пиш ухлаб ётган беморларнинг оромини бузмаслик учун, дам ўтмай ғингшиб қоладиган гўдагини тинчитишга шай бўлиб, мижжа қоқмай ўтирган Нодира ўғилчасининг пешонасини оҳиста сийпаларкан «худди қуйиб қўйгандек, отасининг ўзи-я» деб кўнглидан ўтказди.

Унинг кўзлари намланиб, сўлғин юзларидан чак-чак ёшлар тома бошлади.

Худди шу тобда, шаҳарнинг қоқ марказида истиқомат қиладиган Содиқвой гулдай хотинини фарзанди билан уйдан ҳайдаб, собиқ биринчи хотини билан ширин тушлар кўриб ётарди. Ачинарли томони шунда эдики, бу йигитнинг тушига икки ойдан бери шифохонада даволанаётган, эндигина «адда, адда» деб ширин тиллари чиқиб келаётган фарзанди, хўрланиб уйдан ҳайдалган қонуний хотини сира-сира ҳаёлига келмас, ёки эслашни ҳам истамас эди...

Ҳар қандай одам ҳам тиканни билатуриб босмайди, албатта. Лекин, беҳосдан босиб олинган тикан танга азоб беради. Бироз қийнайди-ю, заҳри ўтиб кетади. Содиқ эса Нодиранинг юрагига ништарли тикон бўлиб қадалди. Наинки унинг қалбини ҳаётини заҳарлади, баҳтини поймол қилди. Натижада яна бир оила барбод бўлди.

Бунга сабаб нима? Оилавий турмушнинг мушкул муаммоларидан бири ҳам айнан мана шу бўлса керак. Баъзи пайтларда арзимас иш, гина-кудурат билан чаплашиб қолган ёш оилаларни яраштириш мумкиндир-у, лекин, айримларида ҳаётнинг ўзи ҳакам! Унинг ўзи зулмли уйдан вақтида этак қоқишни тақозо қилади.

Нодиранинг тақдири ҳам ана шундай бўлди. Лекин, у шошилмади. У нимагадир ишонди. Виждонсиз одамлардан инсоф, мурувват кутди. Бунинг эвазига эса у ҳар қадамда камситилди, ҳақоратланди, ўзининг қонуний ошиёнидан ҳеч бир сабабсиз ҳайдалди...

Шифохонада ўтказилган икки ойдан ортиқроқ муддатда Нодира деярли ҳар сафар ўзига ўзи ҳисоб берар «Нимам билан Содиқнинг кўнглини қолдирдим экан» деб ўйлаб, ўйининг тагига етолмас эди.

... Нодира учун оилавий бахт эшиги кеч очилди. Ўтирган қиз ўрнини топар деганларидек, кунларнинг бирида Содиқ деган йигитдан кетма-кет совчилар танда қўя бошлади. Охир оқибат томонлар бир битимга келишиб, тўйни бошлаш ҳақида келишиб олишди.

Содиқнинг аввал ҳам уйланганини, лекин, келин билан муросалари келишмай ажрашганлигини Нодирадан яширишмади.

Ҳаётда ҳамма нарса бўладику? Бир бахтсизликка йўлиққан экан, шояд мен уни бахтиёр қилсам, деган эзгу-ўй билан Нодира никоҳга розилик берди.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Келинликнинг барча расм-русумларини елиб-югуриб бажариб юрган Нодира тезда янги оилага сингишиб кетгандек бўлди.

Албатта, келин бўлиб тушаётган ҳар бир қизга янги жойнинг ўз қонун-қоидаларини тезда ўзлаштириб олиш дастлаб қийинчилик туғдиради. Оддий хонадондан чиққан қиз учун ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, ўз ховлисини бир мамлакат-у, унда ўзини подшо сезган одамлар билан муроса қилиб яшаш, бир ҳаводан нафас олиш осон эмас. Нодира дастлабки кунларданоқ барча қийинчиликларга чидаб, оғир гапларни босиқлик билан енгиб, ҳаёт синовида пишиб борди. Майда-чуйда гапларни уйига ташиб, овоза қилиб юрмади.

Келинликнинг иккинчи ойига ўтибгина Нодира бу хонадон соҳибларини иккиюзламачи, харомтовоқлар эканини сеза бошлади. Қайнона пихини ёрган олибсотар, эри Содиқ эса бангисифат, тубан бир кимса эди.

Ноҳақ сўкишлар ҳолва экан, дастлабки шапалоқни-ю, тепки зарбини одам бўлиб Нодира шу хонадонда татиди...

Бир йил шу зайлда ўтди. Бирор кун тинчлик бўлмади ҳисоб. Нодира фарзанд кутарди. Юрагининг остида етилиб қолган ҳомиласи, ёруғ дунёга келишига саноқли кунлар қолган норасида ҳаққи, у барчасини кечиришга, бу азоблар бамисоли тушдек ўтиб кетишига ишонарди. Фарзандлик бўлсак, балки ўзгариб қолар, гўдак ота-онани ипсиз боғлайди-ку, деб ўйларди.

Йўқ, хом ўйлаган экан! Номард эр учун жажжи чақалоқ ҳам бир пул эди. Ҳатто у... туғуруқхонадан тантана билан уйга олиб кетиш у ёқда турсин, шунчаки фарзандини холидан хабар олишни ҳам ўзига эп кўрмади.

Нодира дунёга келиб, бунақа юзсиз одамни энди кўриб тургани учунми, қийин аҳволга тушиб қолди. Эри «сени ёқтирмай қолдим, кет бу уйдан», деганида эса боши гангиб, ўзини йўқотиб қўйди. Қайси юз билан ота-онамнинг олдига қайтиб бораман, дея номард эридан мурувват кутиб, ялинди, ёлборди. Лекин, бари бефойда, уринишлари бесамар кетди. Аллақачон бу уйдан бош олиб чиқиб кетиши лозимлигини кўнгилдан сезиб юрсада, сабр қилиб, ҳаммаси яхши бўлиб кетишидан хали ҳам умидвор эди.

Содиқнинг қилмишлари юрак-юрагидан ўтиб кетган Нодира «кет» дейилган уйидан кетишга мажбур бўлди. Уни ушбу хонадонда суяб қоладиган бирорта ҳам устуни бўлмагач, нима ҳам қила оларди. Эри бирор оғир касал бўлсаки, уни кечирса. Ҳа, беморда, худо берган дард, уни бокишим, парвариш қилиб, ҳолидан хабар олиб туришим ҳам қарз ҳам фарз, деб кечирган кунига кўнса, йўқ, Содиқ касал эмас, у тўрт мучаси соппа-соғ йигит эди. У гоҳо қайси жамиятда яшаётганини унутиб кўярди, холос. Оқ сут берган «олиб сотар» онаси билан иккивининг идеали пул эди! Пул улар учун ҳар нарсани хал қилувчи қудратли омил, уларнинг ердаги «худо»си эдики, бошқа ҳеч бир нарса у билан тенглаша олмасди!?

Нодира мана шуларнинг барчасини ақл тарозусида ўлчаб кўриб, қатъий бир қарорга келди... ва бош олиб чиқиб кетди.

У ўз қилмиши устида кўп ўйланди, фарзанди дардида шифохонама шифохона юрганда куйинди, бола дард билан тўлғониб «адда-адда»лаб алахлаб чиққан кезларда эшикка термулди... Бироқ буларнинг ҳаммаси бесамар эди.

Энди у қилган ишининг тўғрилигига шубҳа қилмасди. У вақтида зулмли уйдан этагини қоқди, қадди ростланди, лекин, боличи, бола, улғайганда буни тушунармикин?!

Ҳаёт мураккаб, оила муқаддасдир. Уни ўз қаричи билан ўлчаб, ўзича ҳукм чиқаришга ҳеч кимга кафолат берилмаган. Бу воқеанинг жонли гувоҳи сифатида кўрганэшитганларимни баён қилар эканман, ниятим холис-эзгулик, меҳр-оқибат, поклик инсоннинг виждоний бурчига айланган дамдагина ёмон хулқ-атвор, қабиҳлиг, номардлик каби иллатлар илдизига болта урилишини яна бир бор эслатиб ўтиш эди. Турмушнинг кескин зарбаларига дош беролмаган Нодира балки янглишгандир, ўзининг эътироф этишича, балки тўғри қилгандир. Норасида гўдаги ҳам шифо топиб, оёққа туриб кетар. Аммо Содиқ каби аҳлоқий ногирон кимсалар жамиятимизда учраб турар экан, улар Расулуллоҳ алайҳиссалламнинг ушбу муборак Ҳадисларини ёдга олиб қўйишса ёмон бўлмасди: «Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳлу аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хору зор қилур».

Миржалол МИРАЛИЕВ.

Миробод туманидаги «Биотехнология» ИТИМ (илмий-текшириш инновацион маркази)

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 40-54-34 рақамли телефон бўйича ва Т. Шевченко кўчаси 11-А уйда қабул қилинади.

Чилонзор туманидаги «Забихулло» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 79-85-02 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят бўлими Чиноз шаҳрида ўзининг навбатдаги ким ошди савдосини ўтказади. Савдо 1996 йил 14 август куни соат 10.00 да Чиноз шаҳри ҳокимлиги биносида бўлади. Савдога шахсий уй-жой қуриш учун ер майдонлари ва автотранспорт қўйилади.

1. Дўстлик кўчасида жойлашган 6 та ер майдони, ҳар бирининг сотҳи 600 кв. метр. Бошланғич нархи 22.800 сўм.

2. Пахта қўрғонида жойлашган 9 та ер майдони, ҳар бирининг сотҳи 600 кв. метр. Бошланғич нархи 12.000 сўм.

Маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Хоразм кўчаси, 51. Тошкент вилоят кўчмас мулк биржаси. Тел. 33-28-52, 33-77-18.

Вилоят маданият ишлари бошқармаси ва вилоят «Турон» кутубхонаси жамоалари уруш қатнашчиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, «Турон» кутубхонасининг собиқ раҳбари

Имом Хусанович ҲУСАНХЎЖАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси жамоаси Ўртачирчиқ тумани маданият ишлари бўлими мудири

Киёмитдин УМУРЗОҚОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Атланта Олимпиадаси кунба-кун

БРОНЗАНИ НАКД ҚИЛИБ ҚЎЙДИ

ЭРТАГА Атлантада ўтаётган ёзги XXVI — Олимпия ўйинлари ниҳоясига етади. Чорак финалга чиққан уч боксчимиз — вилоятимиз вакили Карим Тўлаганов ҳамда Наримон Отаев билан Дилшод Ёрбековлардан фақат Карим Тўлаганов навбатдаги босқичга чиқди. У Сейшель ороллари вакили Кадони мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, зангиоталик Карим Тўлаганов ҳозирча бронза медалини накд қилиб қўйди. Бу нишонни олтинга айлантириш учун у 2 та, кумушга айлантириш учун битта ғалабага эришиши керак.

Карим Тўлаганов билан Атланта сафари олдидан суҳбатда бўлгандик. Камтар, босиқ бу йигит ўзи ҳақида озроқ, жамоадош дўстлари тўғрисида кўпроқ гапириб берганди. Бироқ, ўзи ҳақидаги саволларимизга қисқа жавоб олгандик.

Ёш Каримда бокс спортига муҳаббат, аввало, оиласида уйғонди ва камол топди. Отаси Олимжон ака ашаддий бокс шайдоси. Қатор мусобақаларда иштирок этган, биринчи разряд талабини бажарган. Олимжон ака, аввал, катта ўғил Раҳимжонда, сўнгра Карим ва ниҳоят кенжа Ҳамиджонда боксга меҳр уйғота олди. Раҳимжон собиқ иттифоқ биринчиликларида иштирок этган, спорт устаси. Ота Каримжондаги иқтидорни пайқагач, унга ўзи боксниг барча сир-асрорларини ўргатолмаслигини англаб, мураббий Феликс Пакка шогирдликка берди. Ёш Карим сўнгра Ҳасан Муҳамедов қўлида таълим олди. Мана, шунга ҳам ўн бир йилдан ошибди. Эндигина йигирма уч ёшга тўлган Каримжоннинг «ярим умри» боксга бағишланди. У Таиланд, Покистон, Олмония, Корея, Туркия, Руминия, Филиппин ва бошқа қатор мамлакатларда ўтказилган йирик мусобақаларда Ўзбекистон спорти шарафини муносиб ҳимоя қилди. Совриндорлар сафидан жой олди. Тайланд қироллиги кубоги соҳиби бўлди. Мана бугунги кунда Ўзбекистон спортчилари орасида ягона вакил сифатида Олимпиадада ҳурмат шохсупасига кўтарилди. Биз унга кўп сонли муҳлислари қатори ҳал қилувчи олишувларда омад тилаймиз.

• ЭРКИН кураш беллашувида Дамир Захриддинов эронлик полвон Талаевдан 3:7 ҳисобида енгилиб, умумий саккизинчи ўринни эгаллади.

• ЭШКАК эшувчилар баҳсида 500 метрга икки кишилик баҳсда Акром Жўрабоев билан Виталий Аносовлар ярим финалга чиқишди, 500 метр масофага якка эшкак эшишда Евгений Останин ҳам ярим финалга чиқиб, мусобақани давом эттириш ҳуқуқига эришди.

• Ўнкурашчилар мусобақаси ниҳоясига етди. Рамил Ғаниев шахсий ҳисобда саккинзинчи ўринни эгаллади.

Суратда: Карим Тўлаганов (ўнгда) жамоадош дўсти Темур Иброҳимов билан.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0430. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8577 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6